

## Жазоирда Қуръони карим кўргазмаси ўз ишини бошлади



12:40 / 04.04.2019 2719

Жазоирда ташкил этилган Қуръони карим кўргазмасида Каломуллоҳнинг босилиши тарихи ҳақида сўз боради.

“Ҳар бир ўқувчига Қуръони карим” шиори остидаги ушбу кўргазма Дин ва вақф ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган, деб хабар беради akher.news сайти.

Кўргазмада биринчи Қуръони каримнинг Жазоирга кириб келиш тарихи, уни қайта чопиш этиш ва такомиллашув жараёнлари ҳақида сўзловчи тарихий далиллар ўрин олган. Араб ёзуви санъати ва Усмон ёзуви асослари моҳир каллиграфлар томонидан намоиш этилмоқда.

***Islom.uz*** портали таҳририяти